

Қиёматнинг кичик аломатлари (6)

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шайх Носир ибн Мухаммад Аҳмад

Таржимон: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Нашрга тайёрловчи: Абу Абдуллоҳ Шоийӣ

2013 - 1434

IslamHouse.com

أَشْرَاطُ السَّاعَةِ الصُّغْرَى (٦)

« باللغة الأوزبكية »

ناصر بن محمد الأحمد

مترجم: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Биринчи хутба

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амаллари- мизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мухаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتَلُهُ وَلَا تَمُوْتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴾

«Хой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек кўркинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!» (Оли Имрон: 102).

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни

тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». (Нисо: 1).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا، يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا﴾

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди». (Ахъзоб: 70-71).

Дўстлар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, хар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Сўнг ...

Бу, ўтган жумаларда айтиб ўтилган хутбаларнинг давоми бўлган Қиёмат шартларининг бошқа шодасидир: ярим-яланғоч хотин-қизларнинг пайдо бўлиши. Бундан мақсад, хотин-қизларнинг шаръий одоблар доирасидан авратларини кўрсатиш, шариат ёпишни талаб қилган аъзо ва зийнатларини тўсмайдиган кийимларни кийиш билан чиқишлиариdir.

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ саҳиҳ санад билан Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анхўмодан ривоят қиласи: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «*Умматимнинг охирида эгарга ўхшаган ўриндиқларга ўтириб, масжид дарвозаси олдида тушадиган эркаклар бўлади. (Уларнинг) хотинлари ярим-ялангоч ва бошларида қуриган ўркач каби нарсалари бўлади. Сизлар у(ндаи хотин)ларни лаънат қилинглар! Чунки улар лаънатлангандирлар!*» (Имом Аҳмад, 7083).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Жаҳаннам аҳлининг икки синфини мен ҳануз кўрмадим: қўлларида қорамол думидек қамчи бўлган ва у билан одамларни урганлар ҳамда ярим-ялангоч, бошқаларни*

ўзига қаратган, нозли, сочлари эгилиб турган түя үркачилик хотин-қызлар. Улар жаннатга кирмайдилар ва жаннатнинг ҳидини ҳам кўрмайдилар! Ҳолбуки, унинг ҳиди фалон ва пистон масофадан келиб туради». (Имом Муслим, 6704).

Абу Хурайра разияллоху анху: *Ярим-яланғоч хотин-қызлар киядиган кийимларнинг пайдо бўлиши, Қиёматнинг шартларидан биридир*, – деди. (Табароний «ал-Мўъжамул авсат», 748).

Бу ва бунга ўхшаган ҳадислар пайғамбарлик мўъжизалари билдирилган. Чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу хабарларни ўзлари кўрмадилар, бироқ Қиёматнинг аломат ва шартларидан эканини таъкидладилар. Айтганлари эса хаётда амалга ошиди. Шулардан бири, худди ҳозирги кунда кўраётганимиздек, ярим-яланғоч хотин-қызларларнинг пайдо бўлишидир.

Хотин-қызлар ҳозирги давримизда кўраётганимиздек, кийим кийиб кўчага чиқадилар. Бироқ ёпиши шарт бўлсада, баданларини ёпишмайди ва кийимларининг юпқалиги ёки шаффоғлиги ёхуд калталиги сабабли яланғочдек бўлиб туради. Ёхуд тор бўлгани учун баданининг шакли – кўкраги ва

думбалари кийимсиздек билиниб туради. Буларнинг ҳар бири воқеъда бўлмоқда.

Жамият қисқа замон ичида суръат билан олдинга силжиди. Биздаги хотин-қизлар кийинишида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Мода мұҳандислари бизга қаердан зарба билишни жуда яхши билишди.

Аёлларимиз кияётган кийимларнинг шаръий меъёрлари ҳақида гапирмоқчи бўлсак, анчагина вақт керак бўлади. Бу ер, унинг тафсилотларини айтиш жойи эмас. Бироқ икки кўринишни айтиб ўтмоқчиман. Бу икки кўриниш охирги даврларда анчагина кенг ёйилди ва унга талайгина уламолар ҳаром дея фатво беришди. Мен гапириб ўтганимдан кейин ота ёки эр ёхуд валийлардан бирига таклифим, оила аъзоларингизга эҳтиёт бўлинг! Агар бу таъқиқни улар қилишса рози бўлганингиз учун сиз ҳам гуноҳдан қутила олмайсиз. Балки гуноҳингиз бошқаларницидан кўра каттароқ бўлади. Чунки, сиз – етакчисиз ва бундан қайтаришингиз мумкин. Хотин-қизларнинг эса диёнати ва ақли ноқисдир.

Биринчи кўриниш: Абони елкага ташлаш.

Аёл киши абони елкага ташлаш билан ўзини ўраган ҳисобласада, айрим аъзоларинигина ўраган бўлади. Бу эса, Оллоҳ таоло амр қилган ўраниш эмас. Зеро аёл киши абони елкасига ташлагач эркакларга ўхшашлик гуноҳини қилган бўлади. Чунки, абони елкага ташлаб юриш эркакларнинг одатидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса эркакшода аёлларни лаънат қилганлар. Бундан ташқари, у, иккинчи гуноҳни ҳам қилган бўлади. У бадани, баданинг ҳажми ва шаклини кўрсатган бўлади. Бу ҳам жоиз бўлмаган ҳаромдир. Аёл киши абосини бошига ташлаши ва оёқларигача ёпиши керак. Шундагина, баданини Оллоҳ амр қилганидек ўраган бўлади.

Иккинчи кўриниш: Хотин-қизларнинг шим кийишлари.

Бу кўриниш ҳам кейинги пайтларда жамиятимизда худди сомонга тушган ёнгинидек кенг тарқалди. Бу – куфр диёрларидан келган, урф ва одатларимизга ёт, жамиятимизга муносиб бўлмаган бегона кўринишdir. Мен аёлнинг бунга нега рози бўлганини билмайман, бироқ, ўз қизининг шим кийиб кўчага чиқишига ота, хотинининг шим кийиб чиқишига эр қандай рози бўлди экан?! Балки

уларнинг ҳужжати або каби шимнинг ҳам баданни ёпиб туриши бўлса ажабмас. Уларнинг бу ҳужжати асоссиздир. Чунки абони шамоллар учириб, ўйнаши ва унга ўралашиб аёл ерга йиқилиши ҳам мумкин. Хуллас, аёлнинг хотин-қизлар олдига ҳам шим кийиб чиқиши, авратини билдириб, кўрсатиб тургани учун жоиз эмасдир. Уни кийиш билан жаннатга кирмайдиган ва жаннатнинг ҳидини ҳам кўрмайдиган ярим-ялангоч хотинлар қаторига кирилади. Шим жоиз бўлмай, ҳаромдир. Эй ота ва эр, сиз бундан огоҳ бўлинг!

Қиёматнинг шартларидан бири мўминнинг кўрган тушларининг ўнгидан келишидир.

Замонлар бир-бирига яқинлашиб, Қиёматга оз қолгани сайин бу аломат кўпаяди. Мўмин уйқусида бир туш кўрса, ўнгидан гавдаланаверади. Мўмин иймонида нақадар садоқатли бўлса, тушлари ҳам ўшандай ўнгидан келаверади. Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳлар Абу Хурайра разияллоҳу анхунинг ушбу ривоятини келтирдилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Қиёмат яқинлашгач мусулмоннинг туши ёлғон чиқмай қолади. Туши тўғрироқ чиққанингиз – ростгўйрогингиздир.*

Мусулмоннинг туши пайғамбарликнинг қирқ беш бўлагидан биридир. (Имом Муслим, 6042).

Шояд сиз: Қиёмат яқинлашгач мўмин тушининг ўнгидан келишидаги ҳикмат нима? Нега мўминнинг туши Қиёмат аломатларидан бири қилинди? – деб савол беришингиз мумкин.

Бунинг жавоби, Оллоҳу аълам, шудир: Қиёмат яқинлашгани сайин, ҳадисда келганидек, Исломнинг ғариблиги кучаяди: «*Ислом гариб бўлиб бошланган ва тез кунда бошланганидек гариб бўлади*». (Табароний «ал-Мўъжамул авсат», 7283).

Исломнинг ғурбати кучайганида (шаръий) билимларнинг қўпи тортиб олинади, шариат аломатлари йўқолиб, фитналар кучаяди. Одамлар худди икки пайғамбарлик ўртасида – фатратда қолгандек бўлишади. Ўша пайтда мўминнинг йўлдоши ва ёрдамчилари камаяди. Одамлар, халқлар пайғамбарларга эҳтиёжни ҳис қилишганидек, йўқолган Ислом таълимот- ларини ўргатувчи янгиловчи – мужаддидга эҳтиёжни ҳис этишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги пайғамбар бўлганлари учун, бу умматга бошқа пайғамбар келмайди. Улар

пайғамбарлик ўрнига пайғамбарликнинг қирқ беш бўлгидан бири бўлган ростгўй тушларни эваз қиласидар. Яхши ва солиҳ одамларнинг камлиги ва фосиқларнинг кўплиги туфайли Исломнинг ғурбати кучайгач, куфр миллати ғолибликни қўлга киритади. Раҳбарлик жоҳил ва фосиқлар қўлида бўлади. Ўша пайтда мўмин банда ғарибликни юракдан ҳис этади. Ёрдамчилар оз, ҳамдардлар йўқ, ваҳшийлик кучайган, дин йўқола бошлаган пайтда ушбу аломат Оллоҳнинг мўминга бўлган раҳмати, инъоми ва қалбига тасаллиси бўлиб келади: туши ўнгидан келади. Оллоҳ таолодан мадад сўраймиз!

Қиёматнинг шартлари – кичик аломатларидан бири, ёлғон ва хабарларни етказища ишончсизликнинг кўпайишидир. Абу Хурайра разияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини ривоят қилди: «Умматимнинг охирида сизлар ва аждодларингиз эшишмаган гапларни айтадиган одамлар пайдо бўлишади. Бас, улардан узок туринглар!» (Имом Муслим, 15). Бошқа ривоятда эса шундай дейилган: «Замона охирида сизларга сизлар ва аждодларингиз эшишмаган гапларни олиб келадиган ёлғончи дажжоллар бўлишади. Улардан

узоқ бўлинглар! Сизларни адаштириб, фитналарга солишимасин!» (Имом Муслим, 16).

Дўстлар, ёлғон ҳозирги асрнинг аломатларидан бирига айланиб, жамиятнинг барча: хос ва омма, расмий ва норасмий, катта ва кичик қатламларида кенг ёйилган экан, одамлар ҳеч нарсадан қўрқмай қолишиди. Масалан, матбуотларда фалончи ёки пистончининг манфаати учун ёлғон унсурлар қўшилмоқда. Афсуски. Ислом ўлкаларининг фуқаролари кофир Farb хабарларига ишониб уни тасдиқлашса, ўзининг матбуотига хабарлари аниқ ва тасдиқи бўлмагани боис ишонишмаяпти. Ҳатто улар иш ва хизмат доираларида ўзларининг бўлим бошлиқларига ҳам ёлғон ва иккюзламачилик қилганликлари туфайли ишонмай қўйишиди.

Бундан кўра хатарлиси шуки, агар ёлғон унсури хонадонга кирса ва отанинг ёлғон гапирганини фарзанд билиб қолса ёки мактабга кирса-ю ўқитувчининг ёлғон гапирганини ўқувчи билиб қолса, тарбиянинг таъсири камаяди. Сизнинг Ислом учун хизмат қилаётган айрим гурухлардан ёлғон ҳидини сезишингиз ва уни даъват манфаати учун бошқа нарсалар билан «ўраб» тақдим этаётганини хис

этишингиз, ачинарли ҳолдир. Чунки, унинг асли ёлғондир.

Сиз тижорат, иш ва бошқа оламларда фосиқ ёки пиёниста ёхуд судхўр билан муомала қилишингиз мумкин. Аммо ёлғончи билан асло!!

Сиз Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг Омир ибн Абда раҳимаҳуллоҳдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан, у эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадисга қулоқ солинг: «*Шайтон, эркак киши шаклида намоён бўлади ва одамлар олдига келиб, уларга ёлғон гапиради. Улар тарқалишади ва (ўша) одамлардан бири: Мен юзини таниганим, исмини эса билмаганим бир одамнинг айтганини эшиштганман, – дейди*». (Имом Муслим, 17).

Оллоҳ таолодан афв ва оғият, дунё ва охиратда эса гуноҳларимизни пардалашини тилаймиз.

Оллоҳ таоло менга ва сизларга Қуръон ҳидоятини фойдали қилсин.

Шу сўзларни айтиб (Оллоҳ таолодан гуноҳларимни мағфират қилишини сўрайман)...

Иккинчи хутба

Оллоҳга берган инъомлари учун ҳамду санолар бўлсин ...

Сўнг ...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилга олган Қиёмат шартларидан бири, хотин-қизлар сонининг кўпайиб, эркаклар сонининг камайишидир.

Анас разияллоҳу анҳу айтди: Мен сизларга бир ҳадисни айтаман ва уни мендан кейин сизларга ҳеч ким айтмайди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «*Қиёматнинг шартларидан бири илмнинг озайиши, жаҳолат ва зинонинг ёйилиши, хотин-қизлар (сони)нинг битта раҳбарга элликта хотин тўғри келадиган даражада кўпайиши*». (Имом Бухорий, 81).

Оллоҳ таоло замона охирида ўғилларнинг оз, қизларнинг эса кўп туғилишини ва урушларга сабаб бўладиган фитналарни тақдир қиласди. Натижада, кўплаб эркаклар урушларда ҳалок бўлиб, хотин-қизлар сони эркаклар сонидан ортиб кетади. Бу, ҳар

бир урушда бўладиган ва ҳамма биладиган жараёндир.

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳунинг Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг «Саҳиҳ» ҳадислар девонида ушбу ривояти бор: «*Одамларга бир замон келадики ... бир эркак ортидан қирқта хотин паноҳ топиб, эргашигани кўрилади*». (Имом Муслим, 2385).

Ҳой мусулмонлар, алҳамдулилаҳ, биз яшаётган жамият биронта ҳам уруш кўрмади. Шундай бўлсада, қизларнинг турмушга чиқа олмай ўтириб қолиши очик ҳақиқатдир. Қизларнинг ёшлари турмуш қуриш ёшидан ўтиб бормоқда. Валийлари уларга лойик қаллиқларни топиша олмаяпти. Бу билан Оллоҳ таолонинг қўпхотинликка рағбатлантириши- нинг ҳикмати кўринмоқда. Зеро Ислом шариати эркакларга жамиятни ҳимоя қилиш ва бундай муаммолардан кутқариш учун биттадан ортиқ хотинга уйланишга ижозат берди. Мазкур ўтириб қолган қизларнинг отаси ёки онаси эртага оламдан ўтса, ҳурмат қилмайдиган акаси, қадрини билмайдиган бошқа валийсининг қўлида қолишади. Уларга бир эркакнинг ярми ёки учдан бирини қўлга киритиб яшашлари, умрларини эркаксиз ўтказишдан кўра яхшироқдир. Балки Оллоҳ таоло унга фарзандлар ато этиб, улар

билин кўнгли ёришар. Унинг бир уйга эга бўлиб, эркакнинг ярмини қўлга киритиб яшаши, ҳаётини танҳо ўтказишидан кўра яхшироқдир.

Биз кўпхотинликнинг ижобий жиҳатлари ҳақида гапиришдан илгари, унинг Оллоҳ таолонинг қонуни эканини айтиб ўтишимиз етарлидир. Зеро бизни Оллоҳ таоло яратди ва аҳволимизнинг салоҳияти ва уни бузадиган нарсалар нима эканини жуда яхши билади. Шунинг учун, У, заарарли нарсаларни ҳаром қилиб, манфаатли нарсаларни ҳалол қилган. Бироқ муаммо, бугунги кундаги одамларда: Иккинчи хотинга уйланиш муаммоларни келтириб чиқаради. Кўпхотинлик – хотин-қизларга зарар! – деган қаноатнинг пайдо бўлишидадир. Агар бу «қаноат»нинг қаердан келгани ва одамларнинг бу гумонга қандай ишонгандарини текшириб кўрсангиз, одамларни бунга матбуот ва намойиш қилинаётган фильмлар «ишонтиргани»га шоҳид бўласиз.

Сериаллар иккинчи хотинни болаларни айирадиган, аёлларга зулм қиласидиган, муаммоларни келтириб чиқарадиган унсур қилиб кўрсатади. У тугаши билан бошқа сериал ва фильм бошланиб, айни нағмани чалади. Натижада, одамлар ундан таъсиrlанишади, ҳаёт ҳақидаги дунёқарашлари

ўзгаради. Сиз парда орқасида турган ва мазкур фильм ва сериаллар ижодкорлигини қилган одамлар ҳақида изланиб кўрсангиз, уларнинг самимий эканликлари ҳақида хulosса чиқара оласизми? Уларнинг мақсади мусулмон халқларни ҳимоя қилиш ва фазилатларни ёйишми? Ёки улар жиноятчиларми? Уларнинг кўпининг хуфёна ташкилотлар билан жиддий алоқалари бор. Замон ўтиши киноматографиянинг машҳур «усталари» ва «кино юлдузлари»нинг хуфёна ташкилотлар – Масонлар уюшмаси билан алоқаси борлиги, кечаю кундуз Ислом динини парчалаш учун тинмай харакат қилишаётгани, шариат аҳкомлари ва Оллоҳнинг фармонларини «зулм» ва «муаммо» дея талқин қилишаётганини очиқ кўрсатди. Биз эса, афсуски, текширмай уларни тасдиқламоқдамиз ва таъсирланиб ёймоқдамиз!

Ахир ақлларимизни ҳам юксалтиш, тафаккур қилиш ва онгли бўлиш замони келмадими?!

(Келинглар), фильм ва сериаллар воситасида Оллоҳнинг шаръий аҳкомлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, «Кўпхотинлик – хато» деб қаноат ҳосил қилиб, уни ўтириб қолган қизлар, талоқ кўйилган ёки умр йўлдошлари оламдан ўтган бевалар сони қўпайиб бораётган жамиятимизда ёйишдан тийилайлик!

Оллоҳим, қалбларимизни ҳидоят қиласиган
раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, э Раҳмилар раҳмлиси! Бизни ўз
ватанимизда хотиржам қил! Раҳбарларимиз ва
имомларимизни ислоҳ айла!

Оллоҳим, раҳбариятни Сендан қўрқиб, тақво
қиласиган ва розилигингга эргашганлар қўлига бер!

Оллоҳим, бу умматга тўғри йўлларни қўрсат-ки,
унда гуноҳкорлар хор бўлсин, савобли ишларга
чорлансин, гуноҳлар таъқиқлансин!

Оллоҳим, қалбларимиз ҳидоятланадиган,
тарқоқлигимиз бирлашадиган ва биздан фитналарни
узоқлаштирадиган раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, Пайғамбаримизга, Унинг оиласи ва
асҳобларига салавоту саломлар йўлла!...

давоми бор...